



Остона саммитидаги Ўзбекистон ташаббуслари

13 октябрь куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Унда 50 га яқин кенгашга аъзо мамлакатлар ва кузатувчилар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар делегациялари қатнашди.



Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Эрон Исломи Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Исломи Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Фаластин Давлати Президенти Маҳмуд Аббос, Қатар Давлати Амири Тамим бин Хамад бин Халифа Ал Таний, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Раиси ўринбосари Ван Цишань, Вьетнам Социалистик Республикаси вице-президенти Во Тхи Ань Суан иштирок этди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ VI САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар!

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитининг барча иштирокчиларини самимий қутлашдан мамнунман.

Учрашувимизни юқори савияда ташкил этгани учун Қозоғистон Республикаси Президенти хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаев номига билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Шунингдек, Кенгаш фаолияти юзасидан бугун бу ерда билдирилган баҳоларни ҳам маъқуллайман.

Ўтган давр давомида ушбу тузилма хавфсизликни таъминлаш, Осиёда ўзаро ишонч ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан кенг ва очик мулоқот учун муҳим майдон сифатида ўзининг ғоят зарур эканини кўрсатди.

Форумимизни трансформация қилиш масаласи бўйича қўшма фаолиятда иштирок этишга тайёрлигимизни билдираман.

Хурматли саммит иштирокчилари! Бугун биз халқаро муносабатларда ноаниқлик тобора ортиб, мулоқот ва ишончнинг мисли қўрилмаган

даражада тақчил бўлиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Буларнинг барчаси кўп томонлама ҳамкорлик асосларига путур етказмоқда, можароларнинг авж олишига сабаб бўлиб, глобал иқтисодиётда тизимли зулишларга олиб келмоқда.

Юзага келган янги геосиёсий воқеалик бутун Осиё қитъаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Инқирозли ҳолатлар Марказий Осиё давлатларига ҳам тўғридан-тўғри дахл қилмоқда, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича бизнинг саъй-ҳаракатларимизни секинлаштирмоқда.

Ушбу омилларнинг умумий хавфсизлик борасидаги манфаатларга, тараққиёт ва фаровонлигимизга таъсирдан келиб чиқиб, куйидаги устувор йўналишларга эътибор қаратишимиз зарур.

Биринчидан. Афғонистондаги вазият алоҳида эътиборни талаб этмоқда.

Афсуски, бошқа ўтқир халқаро муаммоларнинг етакчи ўринга чиқиши натижасида Афғонистон масаласи иккинчи даражага тушиб қолмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 октябрь куни Остона шаҳрида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммити доирасида қатор давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.



Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан учрашувда кенг кўламли стратегик

қўшма инвестиция лойиҳаларини илгари суриш ва янги ишбилармонлик ташаббусларини амалга ошириш, Туркия етакчи

аввало, маданият ва таълим соҳаларида давом эттириш муҳимлиги қайд этилди. Жорий йил ноябрь ойида



форматидаги мунтазам учрашувлари доирасида самарали мулоқотни кенгайтиришга келишиб олинди.

Кейинги йилларда ташкилот доирасидаги мулоқот фаоллашиб, кўп қиррали ҳамкорлик кенгайиб бораётгани



шериклик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан олий даражада эришилган келишувларнинг амалга оширилиши кўриб чиқилди.

компанияларининг мамлакатимиздаги давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнидаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилди. Фаол гуманитар алмашувларни, энг

Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Туркий давлатлар ташкилоти саммитига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. Вазирларнинг "Ўзбекистон — Туркия — Озарбайжон"



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзига ажратилган қароргоҳда Туркий давлатлар ташкилоти бош қотиби Бағдод Амревини қабул қилди.

мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил ноябрь ойида Самарқандда бўладиган саммитга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жиҳатлари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарларининг мажлиси арафасида кун тартибини ҳамда савдо, инвестиция, транспорт, ахборот-коммуникация технологиялари ва гуманитар алмашув бўйича кўп томонлама ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадида вазирлар даражасида қатор учрашувлар бўлиб ўтади.

Ташкилот саммитини пухта тайёрлаш учун ушбу нуфузли минтақавий тузилма қотибияти билан яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф бошчилигидаги делегация билан ҳам музокара ўтказди.

Аввал эришилган келишувларга мувофиқ, икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари савдо-иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун мавжуд салоҳият ва кенг имкониятлардан самарали фойдаланиш муҳимлигини қайд этдилар.

Афғонистонда тинчлик жараёнига ва ижтимоий-иқтисодий тикланишга кўмаклашиш мақсадида "Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар" темир йўлини қуриш бўйича стратегик лойиҳани амалга ошириш истиқболлари батафсил муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Вьетнам Социалистик Республикаси вице-президенти Во Тхи Ань Суан билан учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида Вьетнам делегацияси раҳбари Ўзбекистон етакчисига Вьетнам Президенти Нгуен Суан Фуннинг самимий саломини етказди.

Музокаралар чоғида шолчилик, пахтачилик, гўшт ва сўт маҳсулотларини қайта ишлаш, кимё ва тўқимачилик маҳсулотларини, автомобиллар учун бутловчи қисмлар ва электроника ишлаб чиқариш каби истиқболли йўналишларда ҳамкорлик қилиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун мавжуд имкониятлар қайд этилди.

Ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш ва инвестициявий шерикликни кенгайтириш мақсадида яқин ойларида экспертлар даражасида ўзаро ташрифлар ўтказилиши, Ҳукуматлараро комиссия фаолияти қайта тикланиши ҳамда Ўзбекистон — Вьетнам Ишбилармонлар кенгаши ташкил этилиши юзасидан келишиб олинди.

Парламентлараро муносабатларни йўлга қўйиш, таълимга оид ва бошқа қўшма гуманитар дастурларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ VI САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Ўтмишда ушбу давлат амалда халқаро террорчилик маконига айланган қолгани билан боғлиқ аччиқ тажриба қайта тақдорланишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Афғонистон муваққат ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлик бўйича умумий ва мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқишимиз зарур. Афғон муаммоси юзасидан кенг консенсусга эришиш ва глобал даражада амалий чора-тадбирларни қабул қилиш мақсадида Афғонистон ҳукумати билан томонларнинг ўз мажбуриятларини босқичма-босқич бажаришига қаратилган алгоритм, яъни тартиб-қоида ишлаб чиқиш ва келишиш лозим. Бунинг учун юқори даражада халқаро муокара олиб борадиган гуруҳни шакллантириш ҳақидаги ташаббус ифода этилган Осие мамлакатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига биргаликдаги муносабатларни янада мустақим бўлган имкониятларни кўриб чиқишни тақлиф этамиз.

Иккинчидан. Биз радикал ғояларнинг кенг хуружга янада кўпроқ тўқнаш келмакдасиз.

Бузғунчи кучлар тарғибот ва мафкуравий таъсирнинг янги усулларидан фойдаланган ҳолда, экстремистик ташкилотларга ёшларни фаол жалб этмоқда. Шу муносабат билан ёш авлодни радикализмдан асраш, уларнинг куч-ғайратни ва азму шижоатини бунёдкорлик сари йўналтириш учун тизимли ҳамкорликни ўрнатимиз керак. Ўғил-қизларимиз ўз кучига ишонини, адолатли келажакни қарор топтиради дегани ўз иштирокини ҳис этиши, салоҳият ва орзу-умидларини амалда рўёбга чиқариш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Мажлисимизнинг Ёшлар кенгаши ҳамраиси сифатида турли ёшдаги инсонлар ўртасида бир-бирини яхшироқ тушунишга даъват этадиган, фарзандларимизнинг энг долзарб муаммоларига биргаликда ечим излашга кўмаклашадиган янги форматдаги фаолиятни — авлодлар мулоқотини йўлга қўйишни тақлиф этамиз. Бундай илк учрашувни

ёш етакчилар форуми доирасида 2023 йил апрель ойида Самарқандда ўтказишга тайёрмиз.

Учинчидан. Бугунги учрашувимиз кун тартибидagi муҳим масала — иқтисодийларимизнинг глобал инқирознинг кучайиб бораётган салбий оқибатларига мослашувидан иборатдир.

Бу борада протекционизмнинг кучайишига, глобал бозорларни беқарор қиладиган янги чекловларнинг жорий этилишига йўл қўймаслик; Осие қитъасида ўзаро боғлиқликни биринчи гада ишлаб чиқариш-логистика занжирини, Марказий Осие Жанубий ва Шарқий Осие, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали боғлайдиган транспорт йўлакларини яратиш ҳисобидан кучайтириш муҳимдир.

Тўртинчидан. Жаҳон саноат инқилобининг янги босқичига ўтишнинг асоси бўлган билимлар иқтисодиётини ривожлантириш барқарор тараққиётга қарши қаратилган таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Инновациялар трансфери соҳасидаги салоҳиятни янада тўлиқ ишга солиш, рақамлаштиришни фаол рағбатлантириш, “булутли” технологиялар, сунъий интеллект, “буюмлар” Интернетни ривожлантириш мақсадида мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу йўналишларда Осие мамлакатлари глобал даражада етакчи бўлишга биргаликда эришиш учун барча имкониятларга эгадир.

Бешинчидан. Қитъамизнинг кўплат давлатлари истеъмол маҳсулотларининг асосий импорт қилувчилари ҳисобланади ва озиқ-овқат инқирозининг оқибатларини жуда ўткир ҳис этмоқда.

Бутунжаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, оқликдан азият чекаётган сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпи Осие қитъасида яшамокда. Парадокс шундан иборатки, бир вақтнинг ўзиде айнан бизнинг мамлакатларимиз жаҳоннинг етакчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи давлатлари ҳисобланади.

Шу муносабат билан бугунги кунда қуйидаги йўналишларда янгича ёндашувлар,

айниқса, зарурдир. Булар озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимларини ва уни етказиб беришнинг оптимал занжирини шакллантириш, ички минтақавий савдо-сотиқнинг ўсиши учун техник регламентларни уйғунлаштириш, Осиеда озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш бўйича яхлит тизим яратишдан иборат.

Ушбу барча масалаларни FAO шафелигида келгуси йили Ўзбекистонда бўлиб ўтadиган халқаро конференцияда муҳокама қилишни тақлиф этаман.

Олтинчидан. Экология ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун савий-ҳаракатларимизни бирлаштиришни ҳамда мамлакатларимизни жадал кўла-ламзорлаштириш ва экотизимлар боғлиқлигини кўллаб-қувватлаш масалалари бўйича “Яшил Осие” концептуал дастурлари доирасида доимий эксперт маслаҳатлашувларини йўлга қўйишни тақлиф этаман.

Хурматли дўстлар!

Ишончим комилки, замонавий таҳдидларни фақатгина мулоқот, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилиш орқали самарали енгиб ўтиш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам биз илгари сурган умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик борасидаги Самарқанд ташаббусларининг асосий мақсади инсоният келажиги учун бефарқ бўлмаган, тинчлик, тотувлик ва биргаликда тараққиётга эришиш учун интилаётган барча соғлом кучларни амалий мулоқотга жалб этишга қаратилгандир.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Саммит иштирокчилари!

Биз Қозоғистоннинг Кенгаши 2024 йилга қадар раислигини давом эттириш ҳақидаги истагини кўллаб-қувватлаймиз ва Қозоғистонлик дўстларимизга омадлар тилаймиз. Ишончим комил, шериклик ва ишончни мустаҳкамлаган ҳолда, умумий интилишларимиз билан биз эзгу мақсадларга — мамлакатларимиз тинчлиги, барқарорлиги ва равақини таъминлашга эришамиз.

Этиборингиз учун раҳмат.

ОСТАНА САММИТИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Осиеда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОХИЧК) — хавфсизлик ва барқарорлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, савдо ва иқтисодий шериклик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги алоқаларни фаоллаштиришга қаратилган халқаро форум. Жорий йилда ушбу форумни яратиш ташаббусига 30 йил тўлди.

Бугунги кунда ОХИЧКда 28 та давлат иштирок этмоқда. Яна 9 та мамлакат ва 5 та халқаро ташкилот кузатувчилар мақомига эга. ОХИЧКнинг олий органи Давлат ва ҳукуматлар раҳбарларининг саммити ҳисобланади. 2020 йилдан буён ОХИЧКда Қозоғистон раислик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқиде дунёдаги вазиятга баҳо бераётган, халқаро муносабатларда ноаниқлик тобора ўсиб, мулоқот ва ишонч мисли кўрилмаган даражада тақчил бўлиб бораётганини қайд этди.

— Юзага келган янги геосийсий воқелик бутун Осие қитъаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Инқирозли ҳолатлар Марказий Осие давлатлари ҳам тўғридан-тўғри даҳл қилмоқда, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича бизнинг савий-ҳаракатларимизни секинлаштирмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Авалло, бошқа ўткир халқаро муаммолар қалқиб чиқиши оқибатида иккинчи даражада тушиб қолаётган Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилди. Шавкат Мирзиёев Афғонистон муваққат ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлик бўйича умумий ва мувофиқлаштирилган ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Шу муносабат билан Осие мамлакатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига қўшма муносабатлар имкониятларини кўриб чиқиш тақлиф этилди. Бу муносабатда Афғонистон ҳукумати билан томонлар мажбуриятларини босқичма-босқич бажариш алгоритмининг тайёрлаш ва келишиш учун юқори даражадаги халқаро муокара гуруҳини шакллантириш ҳақидаги ташаббус ифода этилган.

Радикал ғояларнинг хуружи кенгаётгани, экстремистик ташкилотларга ёшларни фаол жалб этишга уринишлар умумий хавфсизликка таҳдид солмоқда. Шу муносабат билан бу борада тизимли ҳамкорлик кераклиги қайд этилди.

Осиеда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг Ёшлар кенгаши ҳамраиси сифатида Ўзбекистон турли ёшдаги инсонлар ўртасида бир-бирини яхшироқ тушунишга даъват этадиган, фарзандларимизнинг энг долзарб муаммоларига

биргаликда ечим излашга кўмаклашувчи янги форматни — авлодлар мулоқотини йўлга қўйиш тақлифини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Осие мамлакатлари иқтисодиётини глобал инқирознинг ўсиб бораётган салбий оқибатларига мослаштириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, глобал бозорларни беқарор қиладиган янги чекловлар жорий этилишига йўл қўймаслик, ишлаб чиқариш-логистика занжирини ва минтақаларни самарали боғловчи транспорт йўлакларини яратиш, билимлар иқтисодиётини илгари сурди, инновациялар трансфери салоҳиятини янада тўлиқроқ ишга солиш мақсадида мувофиқлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида янги ёндашувларни тақлиф этди. Булар — озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимларини ва уни етказиб беришнинг оптимал занжирини шакллантириш, ички минтақавий савдо ўсиши учун техник регламентларни уйғунлаштириш, Осиеда озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш яхлит тизимини яратишдир.

Ушбу барча масалалар FAO шафелигида 2023 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган халқаро конференцияда муҳокама қилинади.

Экология муаммоларини ҳал қилиш учун савий-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда мамлакатларимизни жадал кўламазорлаштириш ва экотизимлар боғлиқлигини кўллаб-қувватлаш масалалари бўйича “Яшил Осие” концептуал дастури доирасида доимий эксперт маслаҳатлашувларини йўлга қўйиш тақлиф қилинди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон раҳбари замонавий таҳдидларни фақат мулоқот, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилиш орқали самарали енгиб ўтиш мумкинлигига ишонч билдирди.

Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз илгари сурган умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик борасидаги Самарқанд ташаббусининг асосий мақсади инсоният келажиги учун бефарқ бўлмаган, тинчлик, тотувлик ва биргаликда гуллаб-яшнаш учун интилаётган барча соғлом кучларни амалий мулоқотга жалб этишга қаратилган.

Саммитда кенгашга аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар делегациялари раҳбарлари ҳам сўзга чиқди. БМТ Бош қотибининг видеомурожаати намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қозоғистон Республикасига амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ЎЗАРО БОҒЛАНГАНЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ — ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Қозоғистон пойтахтида 50 га яқин аъзо ва кузатувчи мамлакат, халқаро ва минтақавий ташкилотлар делегациялари иштирокида Осиеда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг (ОХИЧК) навбатдаги саммити бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқиде бугунги кундаги халқаро вазиятга баҳо берди, шунингдек, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, ёшларни кўллаб-қувватлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан қатор ташаббусларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Афғонистон муваққат ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлик бўйича умумий, келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш ва ушбу давлатни эътибордан четда қолдирмасликка даъват этди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг маърузасида илгари сурган ташаббуслар кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари томонидан фаол ўрганилмоқда.

Ри Ик Хён, Моквон университети проректори (Жанубий Корея):

— Президент Шавкат Мирзиёев ОХИЧКнинг навбатдаги саммитидаги

нутқиде кенгаш бугунги кунда хавфсизликни таъминлашнинг муҳим элементига айлангани учун ниҳоятда зарур эканини таъкидлади.

Мазкур тузилма Осие қитъасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мамлакатлар ва халқлар фаровонлигини оширишга қаратилган халқаро форумдир.

Осие қитъаси жаҳон сиёсий майдонида алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда қитъада 4,5 миллиарддан ортиқ одам яшайди. Келгуси 30 йил ичида аҳоли сони икки баробар ошиши кутилмоқда. Осие иқтисодиёти глобал иқтисодий фаолиятнинг қарийб 35 фоизини ташкил қилади.

Ўзбекистон раҳбари Осие қитъасининг бугунги тараққиёти ва истиқболлари, геосийсий вазиятга баҳо берди. Катта иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган қитъа мамлакатлари жиддий таҳдид ва хавф-хатарларга дуч келаётгани, халқаро муносабатларда ноаниқлик кучаяётгани, мулоқот ва ишонч мисли кўрилмаган даражада йўқолаётганига эътибор қaratилди.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, буларнинг барчаси кўп томонлама ҳамкорлик асосларига пўтур етказмоқда, можадорларнинг авж олишига сабаб бўлиб, глобал иқтисодиётда тизимли узилишларга олиб келмоқда. Юзага келган янги геосийсий воқелик бутун Осие қитъаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Президентининг нутқи билан танишар эканман, мамлакатингиз раҳбари Осие қитъаси мамлакатлари иқтисодий ривожланишининг энг муҳим омилларини белгилаб берганига эътибор қаратдим.

Дарҳақиқат, инновациялар трансфери салоҳиятидан яхшироқ

фойдаланиш, рақамлаштиришни фаол рағбатлантириш, юқори технологиялар, сунъий интеллект, интернет тизимларини ривожлантириш орқали қитъа иқтисодиётидаги глобал инқирознинг олдини олиш мумкин.

Ўзбекистон Президенти мулоқот, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларига риоя қилиш асосидагина замонавий таҳдидларни самарали енгиб ўтиш мумкинлигига ишонч билдирди.

Дарвоқе, Шавкат Мирзиёев ўз нутқиде ШХТнинг яқинда Ўзбекистонда бўлиб ўтган саммити якунида

“ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЎЗ НУТҚИДА ШХТНИНГ ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТГАН САММИТИ ЯКУНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН УМУМИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА ҲАМЖИҲАТЛИК БОРАСИДАГИ САМАРҚАНД ТАШАББУСНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ИНСОНИАТ КЕЛАЖАГИ УЧУН БЕФАРҚ БЎЛМАГАН, ТИНЧЛИК, ТОТУВЛИК ВА БИРГАЛИКДА ГУЛЛАБ-ЯШНАШ УЧУН ИНТИЛАЁТГАН БАРЧА СОҒЛОМ КУЧЛАРНИ АМАЛИЙ МУЛОҚОТГА ЖАЛБ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАНИНИ ЭСЛАТИБ ЎТДИ. ”

қабул қилинган умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик борасидаги Самарқанд ташаббусининг асосий мақсади инсоният келажиги учун бефарқ бўлмаган, тинчлик, тотувлик ва биргаликда гуллаб-яшнаш учун интилаётган барча соғлом кучларни амалий мулоқотга жалб этишга қаратилганини эслатиб ўтди.

Кўриниб турибдики, Самарқанд ташаббусининг мақсади нафақат Осие қитъаси мамлакатларида тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, балки халқаро муносабатларда ўзаро ишонч ва барқарорликни тиклашга ҳисса қўиши, шунингдек, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдан иборат,

геосийсий рақобат, мафкуравий қарама-қаршилик ва тортишувлардан холи кенг мулоқот майдонини яратишга қаратилган.

Хари Нараянан, Осие-Тинч океани технология ва инновациялар университети ректори (Малайзия):

— Дунёдаги ҳозирги мураккаб геосийсий ва иқтисодий вазиятда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Осиеда ҳамкорлик ва ўзаро ишонч чоралари бўйича кенгаш йиғилишида илгари сурилган ташаббуслар жуда долзарб аҳамиятга эга.

“ ОСИЁ ҚИТЪАСИ ЖАҲОН СИЁСИЙ МАЙДОНИДА АЛОҲИДА ЎРИН TUTАДИ. БУГУНГИ КUNДА ҚИТЪАДА 4,5 МИЛЛИАРДАН Ортиқ ОДАМ ЯШАЙДИ. КЕЛГУСИ 30 ЙИЛ ИЧИДА АҲОЛИ СОНИ ИККИ БАРОБАР ОШИШИ КУТИЛМОҚДА. ОСИЁ ИҚТИСОДИЁТИ ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ҚАРИЙБ 35 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. ”

рақамлаштиришни фаол рағбатлантириш, “булутли” технологиялар, сунъий интеллектни ривожлантиришга катта қизиқиш билдирмоқда.

Бу соҳаларда Осие давлатлари, хусусан, Малайзия глобал етакчиликлга биргаликда эришиш учун шерик давлатлар билан ҳамкорлик қилиш борасида барча имкониятларга эга.

Ишончим комилки, ОХИЧКга аъзо давлатлар ўртасидаги кейинги яқин мулоқотлар, шубҳасиз, Осие минтақасида савдо-иқтисодий, инновацион ва технологик ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Халид Акром Таймур, халқаро муносабатлар ва хавфсизлик масалалари бўйича эксперт (Покистон):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Осиеда ҳамкорлик ва ишонч чора-тадбирлари бўйича кенгашининг Остана шаҳрида бўлиб ўтган саммити доирасида Покистон Бош вазири Шайхбоз Шариф билан учрашуви ШХТнинг Самарқанд саммитидаги муокаралар чоғида эришилган икки томонлама келишувларни рўёбга чиқариш йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Термиз — Пешовар темир йўли лойиҳаси, шунингдек, транзит ва имтиёзли савдо бўйича ўзаро келишувларни фаоллаштириш икки томонлама кун тартибидеги устувор масалалардан бўлади.

Покистон ҳукумати савдо алоқаларини кенгайтириш, ўзаро боғлиқлик

лойиҳаларини амалга оширишга умид қилмоқда. Бу Покистонни Ўзбекистон ва Марказий Осиенинг бошқа давлатлари учун муҳим ҳамкорга айлантиради.

Бу йўналишда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бўйича яқинда имзоланган уч томонлама шартнома ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жорий йил август ойида Термиз — Пешовар темир йўли лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш бўйича Покистон, Ўзбекистон ва Афғонистон мутахассисларининг дала экспедицияси муваффақиятли якунланди.

Ўз навбатида, Пешовардан куруқликдаги йўл орқали Покистоннинг Карачи ва Гвадар бандаргоҳларига ўзаро боғланиш таъминланади. Ушбу муҳим лойиҳаларнинг амалга оширилиши минтақанин иқтисодий ва сиёсий қиёфасини бутунлай ўзгатириши шубҳасиз.

“Дунё” АА

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯДА ҚАНДАЙ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР АКС ЭТМОҚДА?

Жорий йил 25 июнда эълон қилинган ва 1 августга қадар давом этган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси бўйича жами 150 мингдан ортиқ тақлифлар келиб тушган эди. Аини пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги масъул қўмиталар томонидан конституциявий қонун лойиҳаси маромига етказилмоқда.

Қуйида қонун лойиҳасига киритилаётган баъзи ўзгартиш ва қўшимчалар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз боради.

Ҳукумат атроф-муҳит муҳофазасини таъминлайди

Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Маълумотларга кўра, атроф-муҳит ифлосланиши оқибатида ҳар йили сайёрамизда 5,5 миллион киши вафот этади. Ҳар соатда салкам 2 минг гектар унумдор ер чўлга айланади ҳамда биологик ресурсларнинг 3 та тури йўқолиб кетади. Дунёда 2 миллиард аҳоли тоза ичимлик сув таъминотига, 1 миллиарддан ортиқ киши, яъни ҳар саккиз одамдан бири тўйиб овқатланиш имкониятига эга эмас.

Ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиёти унинг иқтисодий ривожлангани, экологик хавфсизлик ҳамда ижтимоий муҳофазаси қилинган билан аҳамиятли. Экологик ҳолат жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган ҳамда глобал муаммага айланган бугунги шароитда барқарор ривожланиш масаласи янада долзарб аҳамият касб этади. БМТнинг 2015 йилги саммитида “Барқарор ривожланиш” масаласи кун тартибига кўйилди ва яқин 15 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси эълон қилинди. Унга асосан, барча давлатлар қатори мамлакатимизда ҳам 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар ишлаб чиқилди.

Бугун мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни асраб-авайлашга устувор эътибор қаратилмоқда. Конституциямизда атроф-муҳитга бўлган муносабатларни тартибга солишнинг фундаментал негизи мустаҳкамлаб кўйилган бўлиб, бу борада 30 дан ортиқ муҳим қонун ҳамда қатор қонуности норматив ҳужжатлар ҳаётга таъбиқ этилди, 10 га яқин халқаро ҳужжат ратификация қилинди.



Атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофазаси қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилиши олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этиш, аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, ҳужалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавабгарлигини кучайтириш мақсадида 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш концепцияси қабул қилинди. Концепция доирасида тизимли равишда тегишли “йўл хариталари” ва давлат дастурлари амалга оширилмоқда.


Сир эмас, бугун дунё ҳамжамияти Орол муаммосининг нафақат уша ҳудуд аҳолиси, балки бошқа минтақалар генофондида ҳам таъсири юқори эканини тан олмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқаро нуфузли минбарлардан туриб билдирган экологик ташаббуси дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди. Хусусан, БМТ томонидан Инсон хавфсизлиги бўйича Оролбўйи траст жамғармаси жорий этилгани ҳамда Оролбўйи минтақасининг экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиниши том маънода ўзбек дипломатиясининг ютуғи бўлди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказган учрашувида ҳам экологик хавфсизликка алоҳида эътибор қаратиб, Бош қонунимизда ушбу йўналишга доир экологик ҳуқуқий нормалар ўз аксини топиши ҳаётий зарурат эканини таъкидлаб ўтди.

Айтиш жоиз, экологик муаммолар халқаро даражада илк мартаба 1972 йилда Стокгольмда ўтказилган БМТ конференциясида муҳокама қилинган. Мазкур конференцияда инсон фаровон ва юқори кадр-кўчимга эга ҳаётни тақозо этадиган муҳитда яшамого лозим, деган ғоя илгари сурилган.

2022 йил 25 июнда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамаси эълон қилинди. Унга кўра, Конституциянинг 64 моддасига 200 дан ортиқ ўзгартиш ва қўшимчалар, 16 нормани ўз ичига олган 6 янги модда қўйиш тақлиф этилмоқда. Мазкур лойиҳада бир қатор экология ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ нормалари қўйиш мумкин.



Хусусан, лойиҳанинг 14-моддасига асосан, давлат ўз фаолиятини нафақат инсон фаровонлиги учун, балки жамиятнинг барқарор ривожланишини ҳам кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши белгиланмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳасининг IX боби номига иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар қаторида маданий ва экологик ҳуқуқлар ҳам киритилмоқда. Ушбу бобда соҳанинг асосий ҳуқуқий нормалари белгилаб берилмоқда. Жумладан, мазкур бобнинг 40-моддаси давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва химоя қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишига оид банд билан тўлдирилмоқда. Шунингдек, янги банд билан давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини химоя қилиш ва тиклаш, уни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш бўйича зарур чоралар қўриши мустаҳкамланмоқда.

“Ҳар ким соғлом ва қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати ҳақидаги ҳаққоний ахборотга эга бўлиш ҳамда ўз соғлиғига ёки мол-мулкига экологик ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарини ўрни қоплатиши ҳуқуқига эга. Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, атроф-муҳитга ҳужалик фаолиятининг ва бошқа фаолиятнинг зарарли таъсир кўрсатишига йўл қўймайлик мақсадда шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамаатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратадиган”, деган янги 40-модда билан тўлдириб тақлиф этилмоқда. Бу билан ҳар бир фуқаро ҳоқимиятга таъсир кўрсатиш воситасига эга бўлади ва фақат



Конституцияга ҳавола қилиш орқали экология соҳасидаги ҳуқуқларини химоя қилиши мумкин. Лойиҳанинг 55-моддасига қўшимчалар киритиш орқали ер қонунда назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк ҳам бўлиши мумкинлиги, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар, ўрмон фонди давлатга тегишли бўлиб, тадбиркорлик субъектларига ижара шартномалари асосида ажратилиши ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши лозимлиги ва улар давлат томонидан муҳофазаси қилиниши тақлиф этилмоқда.

Анъанавий ривожланиш модели беқарорлиги иқтисодийтеги трансформация қилиниши янги ривожланиш концепциясини излаб топишни мақсад қилиб қўйилмоқда. Бош қонунимизга киритилмаган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар бутун мамлакат қонунчилигини модернизация қилиш учун туртки бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Конституцияда экологик-ҳуқуқий нормалар ўз аксини топиши сановат ривожланиши жараёнида экологик мувозанатни таъминлаш, аҳоли қулай табиий муҳитда ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ҳокимлар ва маҳаллий кенгашлар ваколати ажратилади



Бекзод НАРИМОНОВ,
Конституциявий комиссия аъзоси

Президентимиз жорий йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувидаги маърузасида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини ислоҳ қилишдаги муҳим масала — бу жойларда ҳокимлар ва маҳаллий кенгашлар ваколатини ажратишдир. Барчангизга маълумки, бу ғояни мен аввал ҳам бир неча марта илгари сурган эдим. Амалга оширган ислохотларимиз натижасида маҳаллий кенгашлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари кенгайди. Шундан келиб чиқиб, ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари кенгашларига ҳам бошчилиқ қилиш ҳақидаги қонундан Конституциядан чиқариб ташлаш вақти келди, деб ҳисоблайман”, — дея таъкидлаб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жиддий ўзгариш бошланганини эълон қилган эди. Бу янгилик сўнги йилларда давлатимиз раҳбари бошчилигида жамиятимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни юқори босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлди.

Сўнги йилларда инсон кадри, халқ манфаатини амалда таъминлаш мақсадида маҳаллий ижро ҳокимияти масъулиятини оширишга қаратилган жуда катта ислохотлар амалга оширилган. Хусусан, ижро бўғини фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 9 декабрдаги “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий ижро этувчи

ҳокимият органларининг 11 та функция ва ваколати тегишли давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлимларига ўтказилди. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фуқаролардан 32 турдаги ҳужжатлар талаб этилиши таққиланди. 29 та идораларо ҳайъат органи тугатилди. Парламент ва Халқ депутатлари кенгашларида фуқаролар муурожаатларида кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётгани тўғрисидаги давлат органлари раҳбарлари ва ҳокимларнинг ҳисоботларини мунтазам эшитиш тизими йўлга қўйилди.

Бундай эзгу ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Президентимиз 11 октябрда кунга ўтказган видеоселектор йиғилишида келгуси йилдан вилоятлар бюджетни қўшимча маблағларнинг 30 фоизи “Ташаббусли бюджет” лойиҳаларига берилиши белгиланди. Шунингдек, келгуси йилдан бошлаб маҳаллалардаги инфратузилма учун маблағлар фақатгина “Ташаббусли бюджет” орқали аҳоли овоз берган лойиҳаларга ажратилиши белгиланди. Бунда “Ташаббусли бюджет” лойиҳалари учун маблағлар 3,5 баробарга оширилиб, 8 триллион сўмга етказилди.

Яна бир муҳим масала, ҳокимликларда қарийб 300 та вазифа ва функция мавжудлиги, уларнинг 175 таси ҳокимлик тизимига хос эмаслиги, бошқа идоралар функцияларини такрорлаши, бу эса уларнинг фаолияти етарли даражада самарали эмаслиги, ортиқча қўғозбозлик мавжудлигидан далолат беради. Мазкур ҳолат ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ошириш бўйича қилинадиган ишлар қўлғини кўрсатади.

Жойларда ҳокимлар ва маҳаллий кенгашлар ваколатини ажратиш масаласи Конституцияда акс этиши халқимизга нима беради? Конституциянинг 99,100, 101-моддаларига асосан, жойларда ҳокимлар ва маҳаллий кенгашлар ваколатини ажратиш, ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари кенгашларига ҳам бошчилиқ қилиши ҳақидаги қонундан Конституциядан чиқариб ташлаш тақлиф этилмоқда. Мазкур тақлифни таҳлил қилиб, унинг бир қатор муҳим жиҳатлари аниқлаштириш мумкин.

Биринчидан, мазкур норма маҳаллий даражада ҳам ҳокимиятлар бўлинишининг мустаҳкамланишига замин яратадиган. Бу эса ҳокимиятлар тармоқлари ўртасида ўзаро тўйиб туриш ва манфаатлар мувозанати янада такомиллашувига асос бўлади.

Иккинчидан, амалдаги Конституциямизнинг 100-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини умумий норма сифатида белгилаш билан чегараланган. Яъни амалдаги норма қайси бир ваколат

вакиллик органига қайси бири ҳокимга тегишлилигини аниқ ифода этмайди. Шу сабабли, ушбу тақлиф орқали эндиликда маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари барча соҳаларда аниқ ва батафсил белгиланмоқда. Бу орқали, айниқса, маҳаллий халқ депутатлари кенгашларининг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки кучайтирилмоқда, аҳоли манфаатларини амалда таъминлаш имкониятлари оширилмоқда. Мазкур янгилик маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти аниқ мақсадларга қаратилишига хизмат қилади. Халқона айтсак, эндиликда кенгаш ҳам, ҳоким ҳам аравасини ўзи тортадиган бўлади.

Учинчидан, ҳоким ўзи ҳисобот берадиган органга раҳбарлик қилиши мантиқсизлик эди. Бу эса, ўз ўрнида, депутатларнинг норма ижодкорлиги, халқ вакиллиги, депутат назоратини амалга оширишда кучли ташки босими учрашига олиб келарди. Шу сабабли, виллоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида тегишли халқ депутатлари кенгашининг раиси лавозимини эгаллаш мумкин эмаслиги тўғрисидаги норма алоҳида белгиланмоқда. Мазкур норма ҳокимнинг депутатларга босим ўтказиш амалиётига барҳам беради. Яъни депутатлар том маънода халқ вакилликни амалга оширишга ҳуқуқий макон яратилади.

Ривожланган давлатларда бу борада қандай ҳолат кузатилади? Бельгия қироллиги мисолида айтсак, маҳаллий вакиллик органлари тегишли ҳудудда халқ номидан назорат олиб боради, ҳатто маҳаллий сиёсатни белгилайди. Яна ҳудудий полиция фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам вакиллик органи ваколатига кирди. Шунингдек, ҳудудий ижро органи раҳбарларини тайинлашнинг ҳам халқ ноиблари амалга оширади. Яна бир муҳим ваколат аҳолига қўйилган хизмат кўрсатиш ташкилотлари (сув, электр, газ) ҳисоботларини эшитишдир.

Яна бир мисол. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия каби ривожланган давлатларда депутатларнинг маҳаллий бюджетни тасдиқлаши ва унинг ижроси юзасидан ҳисоботларни тинглаш бўйича ваколатлар белгиланиши бюджет устидан самарали вакиллик назорати ўрнатилишига хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий ижро ва кенгашлар ваколатларини аниқ ажратиш ва ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари кенгашларига ҳам бошчилиқ қилиши ҳақидаги қонундан Конституциядан чиқариб ташлаш, ўз навбатида, ўзаро тўйиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг конституциявий асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки кучайтирилмоқда

Анвар ЭМИНОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ходими



Конституциявий қонун лойиҳасида Асосий қонунимизга фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, давлат бошқаруви ва жамият ҳаётида аҳолининг турли қатламлари иштирокини кучайтиришга қаратилган бир қатор янги қонунлар киритилиши назарда тутилган. Жумладан, Конституциянинг 56-моддасига давлатнинг фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда улар иштирокини кучайтиришга қаратилган вазифаларни белгилаш тақлиф этилмоқда.

Аслида, фуқаролик жамияти институтларининг жамият ҳаётида иштироки моҳиятан нималарда намоён бўлади? Қўллаб-қувватлаш давлатлар амалиётида бўлганидек, Ўзбекистон қонунчилигида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат ношароит ташкилотлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари, хайрия ва диний ташкилотлар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади.

Фуқаролик жамиятисиз замонавий давлатчиликни тасаввур қилиш мумкин эмас. Кучли фуқаролик жамияти демократик давлатнинг муҳим белгиси бўлиб, аҳоли турли қатламлари манфаатларини самарали химоя қилиш имконини беради. Фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштироки фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади.

БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 2017 йилги ҳисоботида фуқаролик жамияти институтлари инсон ҳуқуқларини химоя қилиш, коррупцияга қарши курашиш, камбағалликни қисқартириш, глобал очликнинг олдини олиш каби муаммоларни ҳал этишда муҳим восита сифатида эътироф этилган. Чунки ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтлари катта салоҳиятга эга. БМТнинг Озбек-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, ривожланган давлатларнинг 3–9 фоизгача ялли ички маҳсулотини фуқаролик жамияти институтлари томонидан яратилади. Масалан, бу кўрсаткич АҚШ ва Бельгияда 5, Канадада деярли 6 фоизни ташкил этади.

Европа Иттифоқи давлатларида меҳнат қўбилжиятига эга аҳолининг 5–15 фоизи “Учинчи тармоқ” деб аталадиган фуқаролик жамияти институтларида фаолият юратади. Бугунги кунда ижтимоий йўналишларга

жамоат ташкилотлари томонидан давлат ташкилотларига нисбатан 3 баробар кўпроқ инвестиция жалб қилинади. Фуқаролик жамияти вакилларининг 60 фоизи ижтимоий химоя ва табиий ёрдам, таълим соҳаларида хизмат кўрсатади.

Сўнги йилларда юртимизда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг янги даври бошланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ҳаракатлар стратегияси доирасида замонавий демократик талабаларга жавоб берадиган меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Нодавлат ношароит ташкилотларининг макеини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтиришга қаратилган ўнлаб янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Президенти фармони билан тасдиқланган 2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик жамияти институтлари давлат томонидан субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаш ҳажмини 2025 йилда 1,8 баробарга ошириш ва ажратилмаган маблағ миқдорини 70 миллиард сўмга етказиш вазифаси белгиланган.

Нодавлат ношароит ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар соғлиқни сақлаш, ижтимоий химоя ва таълим соҳаларида ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Жамоатчилик назорати институти амалиятининг давлат билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш, одамлар кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситасидан бирига айланмоқда. Фуқароларнинг “Очиқ бюджет” жараёнида иштироки БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган камбағалликни қисқартириш, гендер тенгликка эришиш, тенгсизликни қисқартириш сингари вазифаларни ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда воситачи сифатида иштирок этувчи жамоат қаратилиши, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари сони ошиб, уларнинг турли соҳалардаги долзарб масалаларни ҳал қилишда иштироки кучайиб бормоқда. Маълумотларга кўра, 2016 йил мамлакатимизда 8700 нодавлат ношароит ташкилотлари рўйхатга олинган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг сони 10 минг 300 дан ошган, 2022 йилнинг ўтган даври мўйайида 547 жамоат ташкилоти рўйхатга олинган. Мисоллардан кўриниб турганидек, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, нодавлат ношароит ташкилотлари мустақиллигини таъминлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишга катта эътибор берилмоқда.

Бугун амалдаги Конституциямиз қабул қилинган даврда юртимизда атиги 95 жамоат ташкилоти фаолият юритганини эслаб ўтиш ўринлидир. Чунки мустақил ривожланишнинг дастлабки мураккаб шароитларида асосий эътибор миллий давлатчиликни шакллантириш, жамиятда барқарорликни сақлаш мақсадида турли соҳалардаги жараёнлар устидан давлат назоратини ўрнатити соҳасидаги долзарб муаммоларга қаратиши тақозо этган эди. Бироқ фуқаролик жамияти институтлари ривожланмаган бундай шароитларда давлат назоратининг бир томонлама кучайиши ижтимоий-иқтисодий жараёнларга давлат органлари аралашувининг кенгайиб бориши, давлат идоралари ва улар мансабдор шахслари билан жамоатчилик ўртасида конструктив мулоқотнинг йўқолиши сингари бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаргани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Албатта, бундай шароитда давлат фуқаролик жамияти фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифасини ўз зиммасига олиш имконига эга эмас эди.

Бугунга келиб фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида эришилган ижобий натижаларни Конституция даражасида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш имконияти янада ошаётган. Бу эса, ўз ўрнида, истиқболдаги юксак мақсадларга эришиш учун ишончли ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтайди.

Давлатнинг фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги вазифаларини Асосий қонунимизда белгиловчи нормалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ва ролини оширишга, уларнинг фаолиятини субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

ЯНГИ ТИЗИМ

КЕЙТЕРИНГ ХИЗМАТИ
Ўқув йили давомида 143 мингдан ортиқ бошлангич синф ўқувчиси бепул тушлик билан таъминланади

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Бўзатов туманида қорақалпоғистонлик сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувда Оролбўйидаги мактабларда бошлангич синф ўқувчиларининг бепул тушлиги ташкил этилишини ва бунинг учун йилига 100 миллиард сўм ажратилишини маълум қилган эди.

Президентимизнинг "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармонида ҳам Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятда 1–4-синф ўқувчиларини давлат бюджети ҳисобидан бепул овқат билан таъминлашни йўлга қўйиш вазифаси белгиланган.

Айни пайтда мазкур ҳужжат ижроси доирасида Қорақалпоғистоннинг Тахиятош, Ҳўжайли, Қонлиқўл ва Амударё туманлари ҳамда Нукус шаҳридаги жами 98 та умумтаълим мактабида бепул тушлик бериш бошланди. — 9 та мактабга кейтеринг хизмати кўрсатилмиш. Ростки, бу соҳа биз учун муҳтоаб янги. — дейди "Bekbergen Servis O'rayi" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алламбергенов Шаймуратов. — Болалар юзига табассум ва қувончни кўриб, ўзимизнинг ҳам кайфиятимиз кўтарилиб кетади. Айниқса, ота-оналарнинг қувончини айтмай қолмай!

Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблар ўқувчиларини бир мартали овқатлашни ташкил этиш учун санитария қондалари ва мезъларига асосан, таомномалар рўйхати ишлаб чиқилди. Унга қура, булочка, сутли қакао, мева, шакарли чой, ширин булочка, ёнғоқли роғаликлар, печенье, ёнғоқли кекс, ёнғоқ ва

берилляпти. Баъзилар болаларининг тўғри овқатланишига кўп ҳам эътибор қаратмасди. Энди бу борада ҳам кўнглимиз тўқ.

Бугунги кунда тадбиркорлар мактабларга шартнома асосида кейтеринг хизмати кўрсатляпти. Хусусан, Қонлиқўл туманидаги 23 та умумтаълим мактаби таъминоти учун иккита лотни etender.uzex.uz сайти орқали ўтказилган тендер савдоларда "Qonlikul Kopus" корхонаси ютиб олди.

— Корхонамиз цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар санитария талабларига тўлиқ жавоб беради. — дейди унинг раҳбари Ербол Саренов. — Янги хизматни йўлга қўйиш орқали 12 кишини иш билан таъминладик. Болаларимизнинг саломатлигига ҳеч нарса етмайди. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган бу хайрли ишга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан жуда мамнурмиш.

Қонлиқўл тумани халқ таълими бўлимига қарашли 23 та умумтаълим мактабидаги бошлангич синфларда жами 3631 ўқувчи бор.

— Шу йил ўқлим тумандаги 14-мактабнинг 1-синфига ўқишга борди. 1-синф учун мўлжалланган ўқув жамланмаси, яъни "Президент совғаси"ни олиб, қувонган ўғлимга энди текин тушлик ҳам берилляпти. — дейди Қонлиқўл туманидаги "Наврўз" овул фуқаролар



майизли кекс, ёнғоқли шоколад ва қадоқланган сут белгиланган миқдорда беш кунлик таомномага киритилди. Ҳўжайли туманидаги 42 та умумтаълим мактабнинг бошлангич синфларида жами 8695 ўқувчи таълим олади. Бугунги кунда туман бўйича 33 та мактабда 5796 нафар ўқувчи учун тушлик ташкил қилинди. Тез орада қолган мактабларда ҳам кейтеринг хизмати йўлга қўйиллади.

— Мактабимизда жами 154 нафар бошлангич синф ўқувчисига бепул озиқ-овқат тарқатилмоқда. — дейди Ҳўжайли туманидаги 20-умумтаълим мактаби директори Гўлбону Ержанова. — Президентимизнинг сайловотида учрашувда айтган гаплари бугун ўз тасдиғини топмоқда. Албатта, давлатимиз томонидан ёш авлод учун бюджет ҳисобидан текин овқатлантириш ташкил этилиши ўқувчиларимизни соғломлаштиришда, дарс ўргатишда, уларнинг яхши билим олишида жуда муҳим. Мактабимиз жамоаси ҳам, ота-оналар ҳам бундан бирдек қувонмоқда.

Ҳўжайли туманидаги "Саманқўл" овул фуқаролар йиғинида яшовчи Дилфуза Жанабобоевнинг ўғли Азамат 20-умумтаълим мактабининг 3-синфда ўқийди.

— Шу кунгача ўқувчилар тушлик учун мактаб атрофидаги дўконлардан бирор ширинлик сотиб оларди. — дейди Дилфуза Жанабобоева. — Ҳозир эса сифатли, энг муҳими, ишончли озиқ-овқат

йиғинида яшовчи Женисобой Содиқов. — Биз бундан жуда миннатдормиш.

Амударё тумани халқ таълими бўлимига қарашли 85 та умумий ўрта таълим мактабида жами 14 832 нафар бошлангич синф ўқувчиси таълим олади. Бугунги кунда 12 та мактабнинг 2780 нафар ўқувчисига озиқ-овқат маҳсулотлари "Shohing Azatovich" масъулияти чекланган жамияти томонидан етказиб берилмоқда. Тумандаги қолган 73 та мактабда ҳам тез орада мазкур тизим жорий этилади.

Бир бола учун бир мартали озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 4700 сўмини ташкил этади. Кейтеринг хизматлари учун эса 20 фоизгача меҳнат ҳақи тўлаш белгиланган.

— Жорий йилнинг 12 сентябридан қарашли Халқ таълими вазирлигига қарашли 716 та умумтаълим мактаби жами 64 та лотга ажратилиб, etender.uzex.uz махсус платформасига тендер ўтказиш учун жойлаштирилди. — дейди Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги соғлом овқатлантириш таъминлаш ва тиббий хизматни мувофиқлаштириш сектори мудири Сулаймон Ҳабیبов. — Ушбу ўқув йили давомида 143 мингдан ортиқ бошлангич синф ўқувчиси бепул овқатланиши кутилмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ТАЪЛИМ

Мамлакатимизда 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб мусиқа таълими тизимида қатор янгиликлар жорий этилмоқда. Бундай янгиликлар асосини Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 2 февралдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалар ташкил этади.

МУСИҚИЙ ДИДИ ЮҚОРИ ЎҚУВЧИ ТАРБИЯСИ

ИННОВАЦИОН ВА ЗАМОНАВИЙ ЕЧИМЛАРНИ ТАҚОЗО ЭТЯПТИ

Анвар ЛУТФУЛЛАЕВ, Тошкент давлат педагогика университети мусиқа маданияти факультети декани, профессор

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида мамлакатимизда мусиқа таълимини инновацион ривожлантириш ва унинг воситасида ёш авлод маданиятини замонавий талаблар асосида оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли мазкур жараёнда қарор ижросини таъминлаш муҳим ўрин тутлади.

Қарорга асосан, 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиз мусиқа таълими бўлимида янги тизим асосида йўлга қўйилмоқда. Биринчидан, умумий ўрта таълим муассасаларида "Мусиқа маданияти" фанини ўқитиш жараёнини давлат таълим стандартлари ва малака талабларига асосланиб такомиллаштириш, унда ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш мусиқа таълимининг асосий негизи этиб белгиланмоқда.

Бунинг учун ушбу фан машғулоти раҳбарига белгиланган бир ўқув соати ҳамда унга қўшимча равишда ҳар ҳафта миллий мусиқа чоғуларига қўй ижро этиш амалий тўғрақлари ва факультатив дарслар шаклида ташкил этилади. Жараёнда "Мусиқа маданияти" ўқув фани машғулоти умумий ўрта таълим мактабларида назарий дарслар, амалий тўғрақлар ва факультатив машғулоти шаклида ташкил этилишига эътибор қаратиш лозим. Бу бир ҳафтада ўтказиладиган дарс.

Бугунга қадар мазкур фанининг дарс машғулоти ажратилган соат асосида ҳам назарий, ҳам амалий шаклда ўтиб келинар эди. Натижанда бу фан бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштирилган жараёни талаб даражасида бўлмаган. Ваҳоланки, ўқув фанининг асосий вазифаларидан бири ўқув режа ва дастурлари асосида давлат таълим стандартлари ҳамда малака талабларига биноан умумий машғулотлар ўтказиш, шунингдек, ўқувчиларнинг мусиқий лаёқатини ривожлантиришдан иборат. Бу вазифа ижросини таъминлашда фақат бир соатлик машғулотнинг ўзи камлик қилар эди. Шу сабабли, жорий янги ўқув йилидан бошлаб ушбу фан учун ҳафтага белгиланган бир ўқув соати ҳамда унга қўшимча равишда ажратиладиган соатлар ҳисобидан амалий тўғрақлар ва факультатив дарслар ўтилиши назарда тутилмоқда.

Эслатиб ўтиш жоизки, қўшимча дарслар мактаб ҳисобидати соатлар улуси асосида амалга ошириллади. Шу сабабли мазкур ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларида "Мусиқа маданияти" ўқув фани бўйича босқичма-босқич ташкил этиладиган амалий тўғрақлар ва факультатив дарсларга ҳудудларда фаолият юритаётган машҳур ҳамда тажрибали санъаткорлар жалб этилади. Бундан ташқари, мазкур қарорга қура, амалий тўғрақлар раҳбарларига ҳақ тўлашда "Баркамол авлод" болалар мактаблари тўғрақ раҳбари учун белгиланган базавий тариф ставкалари қўлланади, яъни умумий ўрта таълим мактабларининг "Мусиқа маданияти" ўқув фани



ўқитувчилари мусиқа амалий тўғрақларини олиб борганида уларнинг моашига базавий тариф ставкалари қўйилади.

Бундай машғулотларда фаол иштирок этган ушбу тоифа санъаткорлар қарор асосида иш жойидан лавозим моаши миқдорига қўшимча устама билан рағбатлантирилади. Бу янгилик умумий ўрта таълим мактабларида "Мусиқа маданияти" ўқув фани назарияси ва ўқитиш методикасини инновацион ривожлантириш, ўқувчиларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини кутилган даражада ошириш ҳамда уларнинг мусиқий лаёқатини ривожлантириш имконини беради.

Иккинчидан, умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа таълимини янгилаш асосида ташкил этишнинг реал шарт-шароитлари кўрсатилган. Қарорда белгиланганидек, жорий ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари миллий чоғулар, мусиқа дарсликлари, нота тўпламлари ва ўқув-методик адабиётлар билан тизимли равишда босқичма-босқич таъминланади. Булар умумий ўрта таълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тизимига киритилди. Шу жиҳатдан ҳар бир умумий ўрта таълим мактаби дутор, дўмбира, доира, танбур, рубоб, гижжак, най каби миллий чоғуларга эга бўлади. Мазкур ишлар натижасида мамлакатимизда 2022-2024 йилларда умумий ўрта таълим мактаблари зарурий чоғулар билан тўлиқ таъминланиши кутилмоқда.

Учинчидан, мамлакатимиз мусиқа таълимидаги янгилаштирилган мутаассадлар олдида умумий ўрта таълим мактабларини профессионал мусиқа ўқитувчилари билан таъминлаш вазифасини қўяди. Шу сабабли, қарорда таъкидланганидек, 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб амалий фаолият йўлланма оладиган профессионал мусиқа ўқитувчиларининг камиди учта чоғула қўй ижро эта олиш маҳоратига эга бўлишига эришиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун асослар етарли. Чунки мусиқа таълими йўналиши бўйича таълим

олаётган талабалар ўзларининг шахсий чоғуларидан ташқари унга турдош чоғуларда ижро этиш имкониятига эга. Мисол учун, зарбли-торли чоғулар кўй ижро қиладиган созанда шу чоғуларга турдош мусиқа асобларида ҳам қўй чала олади. Айни пайтда мусиқа санъатида миллий (халқ) чоғуларнинг такомиллаштирилган оилавий турлари мавжуд. Масалан, такомиллаштирилган чанг чоғуси ижросини унинг барча аъъанавий турларида ҳам қўй ижро эта олади.

Янги ўқув йилидан бошлаб мусиқа таълимини амалга оширишнинг энг муҳим икки таянчи — умумтаълим мактабларида "Мусиқа маданияти" ўқув фанини янгилаш методика асосида ташкил этиш ва олий маълумотли профессионал мусиқа ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича инновацион асосдаги таълим жараёни йўлга қўйилмоқда. Шу сабабли, бу жараёнинг назарий-методик асосларини яратиш тақозо этилади. Бунинг учун имкониятлар етарли. Аввало, умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа таълимини ўқитишнинг ўзига хос миллий тажрибаси мавжуд ва амалий фаолиятдаги мусиқа ўқитувчилари индивидуал услубларга эга. Умумий ўрта таълим мактаблари ва олий мусиқа таълими жараёнида ўзлаштирилган мусиқа асарлари мажмуи ҳам мавжуд. Қўлаверса, мусиқа таълимини янгилаш асосида ташкил этиш учун умумий ўрта таълим мактаблари ва олий таълим муассасаларида ташкилий-методик ҳамда дидактик-технологик имкониятлар мажмуи шакллантирилган. Шу сабабли, бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиш жоиз.

Айни пайтда мамлакатимизда мусиқа таълимини янгилаш асосида ташкил этиш учун қатор ташкилий ишларни бажариш зарур. Жумладан, аввало, амалий фаолиятдаги мусиқа ўқитувчиларининг мусиқа таълими бўйича малакаси янгилаш асосида кучайтирилади. Умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа таълими репертуарини такомиллаштириш ва уларнинг олий мусиқа таълими дастурлари билан уйғунлигини таъминлаш мақсада мувофиқ. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган мусиқа амалий тўғрақлари ва факультатив дарсларга қўйиладиган талабалар ҳамда уларда ўрганиладиган мусиқа асарлари репертуари шакллантирилади. Бўлғуси олий маълумотли мусиқа ўқитувчиларини ҳафталик амалиёт дарсида мактаблардаги амалий тўғрақлар ва факультатив дарсларга жалб этиш асослари ишлаб чиқилади. Амалий тўғрақлар ва факультатив дарслар воситасида мусиқа лаёқатига эга ўқувчиларини тарбиялаш ҳамда уларни мусиқа санъатига йўналтириш методикаси ва механизмларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Буларнинг ечимини топиш мусиқа таълимини инновацион жамият шароити ва талаблари асосида қилган даражада ташкил этиш имкониятини беради.

Мусиқа таълимининг мазкур икки тизимида жорий этилаётган янгиликлардан мақсад ёш авлоднинг мусиқа санъати ҳамда маданияти воситасида мусиқа таълимининг янгилаш имконияти кўрилади. Бунинг учун мусиқа таълимининг барча иштирокчилари янгиликка, янгилаш имкониятига ва янгилаш ўқитиш жараёнига тайёр туриши жоиз.

СПОРТ

БЕШ ТАШАББУС ОЛИМПИАДАСИ: МАҲОРАТ ВА ТАЖРИБА МАЙДОНИ

Ҳар бир мамлакат қудрати илму маърифатли ва жисмонан соғлом ёшлари билан ўлчанади. Шу боис, юртимизда навқирон авлод вакиллариининг ҳар томонлама етуқ бўлиб вояга етишлари йўлида давлат миқёсида кенг қўламли дастурлар рўёбга чиқарилмоқда.



Икром АХМЕДОВ, ЎзДЖТСУ ўқув ишлари бўйича проректори

Жумладан, бугунги кунда узлуқсиз равишда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фасилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш энг устувор вазифа ҳисобланмоқда. Яна бир муҳим иш олий таълим муассасаларида назарий билимларни чуқур эгаллаган ёшларга амалий кўникмаларни ҳам шакллантиришдир.

Бу борада Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетиде 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб янги тартибдаги тизим йўлга қўйилди. Яъни жисмоний тарбия

ва спорт соҳасида таҳсил олаётган талабалар амалиётини тўғри ҳамда самарали ташкил этиш мақсадида ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллаларда ўташи белгиланди. "Хўш, нега айнан маҳаллаларда?" деган савол туғилиши табиий.

Утган ўқув йиллари давомида талабалар ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиётларини турли спорт ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, БУСМлар ёҳуд мактабгача таълим ташкилотларида ўтарди. Аммо натижа ҳар доим ҳам мақташга арзигулик эмас эди. Баъзи талабалар белгиланган жойларга борар, баъзилари эса бормасдан туриб ҳам амалиётини "беш баҳо"га бажариб келар эди. Табиийки, бунинг оқибатида олинган назарий билимлар амалиётда қўлланимай, фақатгина "амалиёт бажариб келинган" деган қоғозлару ҳисоботлар уюми шаклланиб қолди. Натижанда эскича тартиблар салбий жиҳатларини кўрсата бошлади.

Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2022 йил 11 апрелдаги "Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари олийгоҳимизда талабаларнинг малакавий амалиёт ўташи учун янги тартиб ўрнатилишига асос бўлди. Энди талабалар ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллаларда ёшлар етакчилари

ва ҳоким ёрдამчилари билан ҳамкорликда "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида ўтказиладиган футбол, мини-футбол, волейбол, энгил атлетика, қшабат, шашка, стол тенниси, стритбол, воркаут каби оммавий спорт турлари бўйича беш босқичли мусобақалар ўтказиш, шу билан бирга, уларни ташкил этишда бевосита иштирок этиши белгилаб қўйилди. Ушбу тартиб маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга беминнат хизмат қилиши аста-секин ўз тасдиғини топа бошлади.

Хусусан, мактабгача ва бошлангич таълим шаклида жисмоний тарбия ва спорт, психология (спорт), менежмент (жисмоний спорт менежменти, спорт тадбирларини ташкил этиш ва бошқариш), маркетинг (спорт маркетинги) ва спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналишида таҳсил олаётган 1420 нафар 4-босқич талабаси жорий йилнинг 5 сентябридан 19 ноябргагача бўлиб ўтадиган малакавий амалиётни ўташ учун доимий яшаш жойларидаги маҳаллаларга жўнатилди ва устозлари томонидан тегишли кўрсатмалар олмақда.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 23 май кунини спортни оммалаштириш ва иктидорли спортчиларни тайёрлаш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида спортдаги натижалар яратилаётган



шароитларга мос эмаслиги, оммавий спорт билан шугулланувчи ёшлар қармоврини янада кенгайтириш лозимлигини таъкидлаган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, ҳар бир ешининг спорт билан шугулланиши, жисмоний баркамол бўлиши бугунги кун сиёсатида айланди. Ҳақли эътирозлардан келиб чиқиб, юқори натижаларга эришиш ва ўз навбатида, талабаларда ташкилотчилик кўникмаларини шакллантириш мақсадида янги тартибни амалиётга таъбиқ этдик.

Айни ҳамда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасидаги оммавий спорт мусобақаларининг иккинчи мавсуми бошлаб юборилган. Спортнинг шахмат-шашка йўналиши бўйича ўтказилаётган мусобақаларни ташкиллаштиришда, уларга маҳаллалардаги мактаб ўқувчилари, уюшмаган ёшлар

қатламини жалб этишда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабалари фаоллик кўрсатмоқда. Жумладан, университетимизнинг спортни бошқариш ва туризм факультети талабаларини томонидан қилинаётган ишлар юзасидан кўнлик ҳисоботлар, замонавий технологик воситалар орқали юборишаётган жонли эфирлар фикримиз ибтидидир.

Демак, янгилаш тартиб талабани нафақат жараёнда бевосита қатнашишига, балки келгусидаги иш фаолиятини аниқлаб олишга туртки бермоқда. Уйлаймики, ўзгача иштиёқ билан бошланган амалиёт жараёнлари битирувчи курс талабалари учун ҳақиқий синон майдонида айланади.

Амалиёт маҳаллаларда ўтатишининг яна бир муҳим жиҳати бор. Талабалар ота-оналари назоратида бўлади. Бу эса уларнинг

ортиқча нарсаларга қалғимасдан, белгиланган вазифани вақтида бажаришлари, шу билан бирга, ҳавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. Бундан ташқари, талаба амалиёт ўташ учун бошқа ҳудудларга бориб туриш жой, унга тўланадиган харажатлар каби турли муаммоларни енгиш билан оввора бўлмай, бор эътиборини мусобақалар ташкил этиш, спортга қизиқиши бор ёшларни бевосита оммавий спортга жалб қилиш билан шугулланади. Олинган назарий билимлар эса амалиётда қўлланилиб, ўзаро тажриба алмашилади.

Бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида спортчи ҳаммиси ўз устида ишлаш турмаси, қўзланган марраларга эриша олмайди. Оқибатда янгидан-янги муаммолар, руҳий тушкунлик келиб қолади. Спортчига хос бўлган бундай ҳолатларнинг олдини олиш, талабаларимизнинг фақатгина мусобақаларда эришган ютуқлари билан чекланиб қолмай, уни бошқаларга улаштириш, ўргатиш юзасидан ҳам маҳаллаларда амалиёт ўташ тартибни олийгоҳимиз томонидан йўлга қўйилган энг самарали тизим бўлди.

Амалиёт ўташининг янги тартиб спорт соҳаси ривожига яхшигина қўмақчи бўлиб, талабаларимизни ҳам малакали спорт мураббийлари қилиб етиштиришда энг катта тажриба мактаби сифатида хизмат қилади. Зеро, спортда эришаётган барча галабаларимиз соҳадаги ҳар жиҳатдан салоҳиятли кадрларга боғлиқдир.

МУЛОҲАЗА

“**ЁШИГИДА КЎП ЭРТАК ТИНГЛАГАН, КАТТАЛАР ОВОЗ ЧИҚАРИБ КИТОВ ЎҚИГАНИДА ДИҚҚАТ БИЛАН ЭШИТГАН БОЛАЛАР ВОЯГА ЕТГАЧ, ФАҚАТ ЎЗЛАРИНИНГ ЭМАС, БОШҚАЛАРИНИНГ ҲАМ ФИКРИНИ ЭЪТИБОРГА ОЛАДИГАН, ҲЕЧ БЎЛМАСА, ЭШИТАДИГАН, АҚЛ-ИДРОК БИЛАН ИШ ТУТАДИГАН, ОТА-ОНАСИДАН, КАТТА ЁШИЛАРДАН МАСЛАХАТ СЎРАЙДИГАН БЎЛАДИ.**

Аввало, она тили...

Тилшунос олимлар инсон ҳаёти учун сув ва ҳаво қанчалик зарур бўлса, сўз ҳам шундай улғу мақомга эгаллигини доимо эътироф этади. Сўз тирик жон янгли илоҳий неъмат, унга ёлгон, сохталик аралашса, таъсир кучи ва жозибасини йўқотади. Равон нутқ — ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайдиган маънавий бойлик. Ўз она тилида, шу билан бирга, бошқа тилларда ҳам фикрини тиниқ ифода этишга қодир кишилар фазилят, ақл-идрок бобида комилликка яқин турадилар. Улғу аждодларимиз бир эмас, бир неча тилни ўрганиб, шу тилларда ҳам баракали ижод қилган. Маъмур академиясида, олис Андалусияда ҳам бўлган олимлар эришган ютуқлар жаҳон илм-фанини янги босқичга кўтарган. Андалусия муулмонларининг илмий тафаккури шу даражага етганки, уларга “Европа мууллимлари” мақоми берилган.

қолган мерос аъналарни мукамал даражада билган, равон нутқ, воизлик маҳорати, ишонтириш санъати, намунали хулқ-одоб, камтар-кам-суқумлик билан кўпларни илм оламига даъват қилган. Айни шу фазилятлари боис, то ҳануз буюк донишманд мақомида турадилар, илмий, маънавий меросларидан дунё тафаккур олами бахраманд бўлади.

Не бахтки, бундай инсонлар ўтмишдагина эмас, бугун ҳам бор, гарчи улар ўзларини донишманд ҳисобламасалар-да, илмий ва маънавий оламлари, зукко тарбиячи мақомига кўтаришганлари, ҳар қандай ҳолатда ҳам ёқимли талаффуз, вазмин мулоҳаза, ақл-заковат билан иш тутиб, суҳбатдошларини эътибор билан тинглай олиши шундай дейишга ва бугунги авлод вакилларига бундай табаррук ватандошлар билан ҳақиқи равишда фахрланишга изн беради.

Инсон бу ёруғ оламда умргузаронлик қилар экан, ҳаёти давомида қутилмаган ҳолатларга дуч келиши, муаммолар гирдобига тушиши, тўғри йўлдан, ҳолислиқдан чалғиши мумкин. Бундай пайтда ўз тили, ўзлиги, тўғриси ўз ва ҳақ-ғўйлиги нажоткор кучга айланади.

“Уйнаб сўзласанг ҳам, ўйлаб сўзла”, деган нақл бор. Уйламай айтилган биргина сўз, беҳаё бир ибора оилани барбод қилиши, ота-бола, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғни бир-бирига тескари қилиши мумкин. Бунга мисоллар кўп. Миллат шаънига ботадиған, гурурига тегадиган асоссиз айблов ёки таҳқир боис, халқлар, мамлакатлар ўртасига раҳна солинган, жан-гу жадалларга сабабчи бўлгани ҳам сир эмас. Ҳаётда гоҳ бир-бирини мутлақо танимаган, ўзаро мулоқотда бўлмаган икки киши гўзал бир лутф, самимий табассум, ширин муомала билан қардор бўлиб кетишади. Сўзнинг қудрати, тилнинг жозибаси боис, шундай бўлади. Халқ эртақларида тасвирланган очкўз девларнинг “Ассалоому алайкум, девбува” қабилдаги ёқимли лутф, яхши муомала сабаб ёмон ниятдан қайтиши (“Саломинг бўлмаганида икки ямлаб бир ютардим”, дейиши) ҳам сўзнинг қудратини кўрсатади. Социолог олимлар миллий-маънавий илдизлар заифлашган, маънавий қадриятлар ривож қилиш сувланган, она тилининг қўлланилиши камайган ҳудудларда жиноий хатти-ҳаракатлар нисбатан кўпроқ содир бўлиши афсонадан исботлаб берган.

Сўзлаш одоби, нутқ равонлиги оиладан, мактабдан, маҳалладан бошланади. Инсон нечоғлик узоқ умр кўрмасин, бу одобга ўрганишнинг адоғига ета олмайди. Кичиклик чоғидан тўғри талаффузга, сўз ва ибораларни, исмлар,

жойлар, турфа хил номларни тўғри ифода қилишга ўргатилган, китоб билан дўст тутинган, халқ эртақларини кўп ва хўб ўқиган, саргузашт дostonларни мириқиб тинглаган болаларнинг нутқи бошқа тенгдошларига нисбатан ширали бўлади. Бу фарқи наинки нутқда, боланинг шаклланаётган нозик характеридан, тенгдошлари билан муомаласида, атрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатидан ва ҳатто орзу-хаёлларида ҳам кўриш мумкин.

Ёшлиғида кўп эртақ тинглаган, катталар овоз чиқариб китоб ўқиганида диққат билан эшитган болалар вояга етгач, фақат ўзининг эмас, бошқаларнинг ҳам фикрини эътиборга оладиган, ҳеч бўлмаса, эшитадиган, ақл-идрок билан иш тутадиган, ота-онасидан, катта ёшлилардан маслаҳат сўрайдиган бўлади.

Болалар тарбияси билан шуғулланувчи мураббийларнинг қузатувида, бола нутқи ва ёзуви қандай бўлиши кўп жиҳатдан оила аъзоларига, хусусан, ота-онага, боғча ва мактаб мууллимларига боғлиқ. Яна бир ҳолат — биз кўпинча фарзандларимиз анча улғайиб, яхши-ёмон, рост-ёлгоннинг фарқига бориб қолганини сезмай қоламиз ёки сезмасак-да, эътибор бермаймиз. Бола бўлгандан кейин катталарнинг олдида жим туриши, нима дейилса, хўб дейиши, бетгачонарлик қилмаслиги лозим, дейимиз. Улғу аждодларимиз ҳам “Ақлли, фаҳм-фаросатли кишилар, айниқса, ёшлар билимдонликларини ҳўда-беҳўдага пеш қилмайдилар, бошқаларни кўпроқ эшитадилар, биров бир нимани сўрамагунча одоб билан сукут сақлайдилар”, деб таълим беришган. “Сукут каломдан улғу” деган ҳикмат ҳам бор. Бир қарашда, бу насихатлар шарҳона аммага жўда мос, эътироз билдириш қийин. Аммо ҳамма нарсада бўлганидек, сукутда ҳам меъёр бўлиши зарур. Ортиқчиси ортиқча. Чўнончи, болага ҳам гапириш, суҳбатга қўшилиш, фикрини билдириш, ниманидир исботлаш имконини бериш керак.

Бола нотўғри тарбия таъсирида оғзини очмай, фақат бошқаларни тинглаб, ким нима деса, хўб дейишдан бошқага ўтмай улғайса, кейинчалик ҳаётда ўзини шахс сифатида намоён этолмайди, фикрини аниқ ифодалашга қийналади, бу ҳам майли — бефарқ ва лаббайчи бўлиб қолади. Болани фикрлашга, муस्ताқил мулоҳаза юритишга, икки ёки уч тушунчани ўзаро қиёслашга ўргатиш уни тинглашдан, гап-сўзларига, хатти-ҳаракатларига эътибор беришдан бошланади. Шундай қилинса, фарзанд бундай муносабатни муқофотдай қабул қилади, катталар таъбири билан айтганда, кўнглида ўзига нисбатан дастлабки ишонч куртаклари пайдо бўлади. Ҳар бир рағбат, ҳар бир эътибор бу ишонччи мустаҳкамлайди. Аксинча, болани бўлар-бўлмасга жеркийвериш, “гапга аралашма”, “оғзингни юм”, “нари тур”, “қачон одам бўласан ўзи”, “ҳе фалончи”, дея тенгдошлари олдида изза қилиш мурғак қалбини тузалмас даражада жароҳатлайди.

Нутқ ўз-ўзидан равон, оҳангдор бўлиб қолмайди. Чоғуни бирор куйини ўрганмоқчи бўлса, уни юз бор, минг бор ижро қилибгина муддаосига эришади. Мусаввир бир асар яратгунча қанча захмат чекади. Ҳеч ким бирдангина Сукут ёки Алибек Рустамов, Азизхон Қаюмов, Суйима Ғаниева, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов даражасига кўтарилмайди. Нутқ маҳоратини эгаллаш учун йиллар давомида тинимсиз машқ қилиш керак. Қадимги юнон нотиғи Демосфен ўзининг паст, ҳазин овозини яхшилашга жазм қилиб, ертўлага тушар экан-да, шифтга ўткир тигли ханжарни осиб қўйиб, (бошини димоғдорона баланд кўтармаслик учун) узлуксиз машқ қилар экан.

Нутқ маҳорати тўғрисида бундай мулоҳаза юритаётганимизнинг боиси бор, албатта. Бугун ҳаётимизни телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, турли йиғинлар, ўринли-ўринсиз

“**БОЛА НОТЎҒРИ ТАРБИЯ ТАЪСИРИДА ОҒЗИНИ ОЧМАЙ, ФАҚАТ БОШҚАЛАРНИ ТИНГЛАБ, КИМ НИМА ДЕСА, ХЎБ ДЕЙИШДАН БОШҚАГА ЎТМАЙ УЛҒАЙСА, КЕЙИНЧАЛИК ҲАЁТДА ЎЗИНИ ШАХС СИФАТИДА НАМОЁН ЭТОЛМАЙДИ, ФИКРИНИ АНИҚ ИФОДАЛАШГА ҚИЙНАЛАДИ, БУ ҲАМ МАЙЛИ — БЕФАРҚ ВА ЛАББАЙЧИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ. БОЛАНИ ФИКРЛАШГА, МУСТАҚИЛ МУЛОҲАЗА ЮРИТИШГА, ИККИ ЁКИ УЧ ТУШУНЧАНИ ЎЗARO ҚИЁСЛАШГА ЎРГАТИШ УНИ ТИНГЛАШДАН, ГАП-СЎЗЛАРИГА, ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИГА ЭЪТИБОР БЕРИШДАН БОШЛАНАДИ.**

баҳс-мунозараларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳар кун турфа даражадаги нотиклар суҳбатларини тинглашга тўғри келади. Таассуфки, уларнинг ҳаммасида ҳам нутқ маҳорати, талаффуз қондаларига ривож қилинмайди.

Она тилимизга хос нозик, бетакрор иборалар, халқ донишмандлиги ифодаси бўлмиш мақол ва маталлар, таъсирчан ташбеҳлар ўринсиз ёки мутлақо хато ишлатилганида асабингиз бузилади. Бунга қўшимча, айрим нотиклар маърузаларига ўзига хос “алоҳидалик” бахш этиш учун бир неча тилларни бир-бирига қориштириб гапиришни, ўзидан бошқа киши тушунмайдиган хорижий иборалардан керагидан ортиқ фойдаланишни одат тўсига айланттирмақдалар. Бундай чўчмаллиқни телеэкранда, турли йиғинлар минбари, давра суҳбатларида, хатто маданият ва маърифат мавзусидаги маърузаларда ҳам кўриш мумкин.

Деворлари нам тортиб, нурай бошлаган уйни пойдевори муस्ताҳкам бўлса, тузатса бўлади. Аммо бузилган, қоришқ аҳволга келган тилни ўнглашнинг иложи йўқ. Абу Наср Форобий фикрича, юксак ахлоқли кишининг нутқи равон, талаффузи содда ва тушунарли бўлиши, айтмоқчи бўлган фикрини тушуниш бошқалар учун қийин бўлмаслиги керак.

Хон Феруз мақом куйларини бузиб ижро этган машшоқларни жазолаган. Пётр I замонида нутқи норасо кишиларга ўқитувчилик қилишга рухсат берилмаган. Чўчки ўқитувчи нутқидаги нуқсон у тарбиялаётган болаларга ҳам ўтади. Демак, нутқимиздаги норасолик эртага фарзандларимизга кўчишни биллиб туриб, бу муаммага бефарқ бўлмас, ўнглаб бўлмас хатога йўл қўйган бўлаемиз.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Тил офатлари” китобида бундай жўмла бор: “Инсонга энг итоатсиз аъзо — тил. Чўчки бу сўксиз аъзонинг осонгина ҳаракатга келиши ва ҳеч бир машаққатсиз югурлиги қутилмаган оқибатларга сабаб бўлади”.

“Қобуснома”нинг еттинчи бобида ўқиймиз: “Эй фарзанд, токи қила олсанг (яъни қўлингдан келса), сўз эшитмақдун қочмағилким, киши сўз эшитмак билса суҳангўйлик ҳосил қилур... Ёлгон ва беҳўда сўз айтмак девоналикнинг бир қисмидур. Ҳар қилишга сўз айтар бўлсанг, қарағил, у сенин сўзинга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзинга харидор топсанг, унга сўзингни сотғил. Йўқ эрса, ул сўзини қўйиб, шундоқ сўз дегилким, унга хуш келсин ва сенин сўзинга харидор бўлсин”.

Кайовус одамларни тўрт тоифага бўлади: “Бири улким, билур ва билгонин ҳам билур. Ул олимдур, унга тобе бўлмоқ керақдур. Бири улдуким, билмас ва билмагонин билур, ул қобилдур, унга ўргатмак керак. Бири улдуким, билур ва билгонин билмас, ул уйқудадур, уни

бедор қилмоқ керақдур. Бири улдуким, билмас ва билмагонин ҳам билмас, у жоқилдур, ундан қочмоқ керақдур”.

Юсуф Хос Ҳожиб дейдики, “Тил ва ақл билмининг таржимонидир. Билки, кишини нурун қилувчи восита унинг очик ва мазмундор тилидир... Тил кишини иззатли қилади, киши тили билан бахтли бўлади. Тил арслондур, қара, у сени ашиқда пойлаб ётибди. Эй мағрур уй хўжаси, хушёр бўлки, агар тилинга ортиқча эркинлик берсанг, ўйламасдан сўзласанг, у бир кунмас бир кун бошингни ейди...”.

Ҳасос шоира Турсунои Содикованин ҳар сўзидан олов, оҳангидан муҳаббат чақнарди. Ижодий учрашуларда сўзнинг ўзини ҳам сўзлата оларди, булбулдай сайратарди. Нотиклик маҳорати, ишонтириш санъати, таъсир этиш, ром қилиш салоҳияти баланд эди. Овозида бошқа нотикларда кам учрайдиган ноёб сеҳр бор эди. Шоира, ўзи ёзганидай: “Сўз излаш, сўз ўйлаш, сўзга ранг-тўс бериш, уни чиройли ижрода тақдим этишга уриниш, кўзларни, қўлоқларни ўзига мафтун қилиш учун турли аудиториялар, давраларда жон тегига турили жанг қилар, баҳслашар, “сўзда ўлиб, сўзда тирилар эди”.

Шоира ўзига ярашқили, буй-бастига, ҳаёлатофатига мос турмуш тарзини танлаб, “анжана” яшаб ўтди, сўз қуролни занглатмади, беадоқ саволларга жавоб кайтаришдан, умидсизлик жарига қўлаганларга, зулмат қўйнига фарқ бўлаётганларга самимий қўл чўзишдан, нажот йўлларини кўрсатишдан чарчамади. Қанчадан-қанча ҳаётий муаммоларни нотиклик маҳорати, сўз сеҳри, кўнгли малҳамаси билан текислаб ташлади. Аллоҳ берган воизлик инъомини исроф қилмади.

Ўрни келганда яна бир муаммага тўхталиб ўтмоқ лозим. Бугун жўда кўп ёшлар дунёнинг нуфузли олиё ўкув юртларида таҳсил олмоқдалар. Илм излаб жаҳонга чиқаётган янги авлод вакиллари сафи йилдан-йилга кенгайиб, эришаётган ютуқлари салмоғи ошиб бораётир. Улар бир эмас, бир неча хорижий тилни билиши, эркин фикрлай олишлари билан тенгдошларидан ажралади туради. Аммо... инглиз, францўзи ёки корейс тилини пухта ўрганган янги авлод вакили ўз она тилида сўзламаса, ўзбекча шеър ёдламаган бўлса, қўшиқ куйлашни билмаса, рақс туша олмаса, миллат тарихига қизиқмаган бўлса, буни қандай баҳолаш мумкин? Хорижийлар сўзининг она тилингдаги нутқингиз, ёқимли хиргойингиз, миллат маданияти ва тарихи, урф-одатлариндан нечоғлик хабардорлигингизга кўпроқ қизиқсади ва буни алоҳида қадрлайди.

Бу қўсурни тез англаб етмаслик вақти келиб “ўз ерин қўюб, ҳинд сори юзланган” Мирзо Бобурнинг армонини эслатиши мумкин.



Ахмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Исмоилбек Гаспиринскийнинг “Дорур-роҳат муулмонлари” асарига қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Абу Жаъфар Юнон ҳукмдори билан иноқ бўлиб, Афинадан беадоқ китоблар олдиради. Маъмур даврида Яхё ибн Халид Бармакий Птоломейнинг “Мажистий” асарини таржима қилади. Санад бин Али ва Халид бин Абдумалик Марварудий астрономия бўйича янги маълумотларни қўлга киритадилар. Ер шарининг узунлик ва кенглик даражалари ўлчаб чиқилади. Аббос бин Сайид Жўшарий каби машҳур олимлар юнонларнинг астрономияга оид асарларидаги қўллаб хатоликларни аниқлайдилар, куёш доғлари, ой-кун тутилиши, думли юлдузлар борасида бир қанча кашфиётлар қилдилар. Европа ҳандаса (геометрия) илминини хўросонлик Абулвафонинг ҳижрий бешинчи аср бошида тузган “Аз-жижи Шомин” ва “Мажистий” сидан ўрганди...”.

Афсуски, XI асрдан бошлаб замон нотинчликлари кўнаиб борди. Бир томондан, ғазнавий ва салжўқийларнинг мулк дағдағаси, иккинчи томондан, Чингиз истилоси, учинчи томондан, Қуддуси шариф учун бошланиб кетган салб юришлари ислом оламини ларзага солди ва илму ҳўнар йўлларини бузиб юборди. Лекин илм-маориф нури сўнмади, аксинча, душманларга ҳам зиё бериб, мунаввар қилди. Мўғилларнинг катта қисми ислом маданиятини қабул этдилар, оверуполиклар эса юз йиллик салб юришлари давомида қанчадан-қанча санъат ва ҳўнарларни ўрганиб қайтдилар. Ислмо маданияти ўчоқлари Бағдод, Шероз, Нишопур, Самарқанддан ташқари, Африка ва Испанияда, яъни ислом оламининг деярли барча нуқталарида мавжуд бўлиб, бу ерларда илм-фан бе-ниҳоя ривож топди.

Бундай улғу ютуқларга эришган аждодларимиз, биринчи навбатда, ўз она тилларини, мамлакат тарихи, урф-одат ва боболардан



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1064.
80471 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаҳҳих: Рашид Ҳўжамов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзиллими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:35 Топшириқда — 00:01